O’zbekiston Respublikasi
Qashqadaryo viloyati
Mirishkor tumani
Hokimi

Ҳоким
Миришкорского района
Кашкадарынского области
Республика Узбекистан

Q A R O R
РЕШЕНИЕ

2020 йил “13”май HQ-1480/05-сон Янги Миришкор шаҳарчаси

Миришкор тумани маркази “Янги Миришкор” шаҳарчасида жойлашган туман ҳокимлиги “Ободонлаштириш бошқармаси” ҳисобида бўлган кўчаларга йўл белгиларини ўрнатишга рухсат этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари” (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 3-сон, 23-модда) ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Миришкор туман ички ишлар бўлимининг 2020 йил 21 апрелдаги 46/-134-сонли хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуни 6, 25-моддаларига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миришкор туман ички ишлар бўлимининг 2020 йил 21 апрелдаги 46/134-сонли хати маълумот ва асос учун қабул қилинсин.
2. Миришкор тумани маркази “Янги Миришкор” шаҳарчасида жойлашган туман ҳокимлиги “Ободонлаштириш бошқармаси” ҳисобида бўлган кўчаларга иловага мувофиқ тегишли йўл белгилари ўрнатилсин.
3. Туман “Ободонлаштириш бошқармаси” (Д.Нунаев)га туман маркази “Янги Миришкор” шаҳарчасидаги ички йўлларга йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси топширилсин.
4. Йўл ҳаракати қатнашчилари “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Йўл ҳаракати қоидалари”га мувофиқ ўрнатилган огоҳлантирувчи, имтиёз, тақиқловчи, ахборот-ишора белгилари ҳамда светофор ишоралари, йўл чизиқларининг талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек берилган ваколат доирасида йўлларда ҳаракатни тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.
5. Туман ИИБ ЙХҲГ (О.Шомуродов) томонидан йўл белгилари ўрнатилиши ҳамда транспорт воситаларининг ҳаракати кунлик назорат қилиб борилсин.
6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Арзиев зиммасига юклатилсин.
7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими в.б. Ғ.Бегалиев

MIRISHKOR TUMAN HOKIMLIGI ASLIGA TO‘G‘RI

Туман ҳокимининг 2020 йил “13” майдаги HQ-1480/05 сонли қарорига илова

Янги Миришкор шаҳарчаси “Ободонлаштириш бошқармаси” ҳисобидаги кўчаларга ўрнатиладиган йўл белгилари дислокацияси

Т/Р	Йўл белгилари номи	Жойлаштириш жойи (ПК)	Сони (дона)
Ўзбекистон кўчаси			
1	4.К.325б **“Тўхтаб туриш тақиқланади” “3,27” йўл белгиси**	Миришкор туман марказига киришдаги йўлда 2-3 км да	1
2	4.К.325б **“Тўхтаб туриш тақиқланади” “3,27” йўл белгиси**	Миришкор туман Агро банк биноси рўпарасида 2-3 км да	1
3	4.К.325б **“Тўхтаб туриш тақиқланади” “3,27” йўл белгиси**	Миришкор туман Халқ қабулхонаси маъмурий биноси рўпарасида 2-3 км да	1
Қарши-Талликўрғон-Касби-Жейнов-Помуқ” йўли			
1	4.Р.92 **“Тўхтаб туриш тақиқланади” “3,27” йўл белгиси**	Жейнов шаҳарчаси чоррахасининг ўнг ва чап томонларига 48-50 км да	2
2	4.К.346 **“Тўхтаб туриш тақиқланади” “3,27” йўл белгиси**	“Жейнов-Қамаши” автомбил йўлининг 0 км да	2
3	4.Р.92 **“Тўхтаб туриш тақиқланади” “3,27” йўл белгиси**	Янги Миришкор шаҳарчаси “Назар ота” чойхонаси рўпарасидаи йўлнинг ўнг ва чап томонига	2
4	4К278б **“Тўхтамасдан ҳаракатланиш тақиқланади” “2.5” йўл белгиси**	“Қарши-Касби” автомбил йўлининг 6-7 км да	2